



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 10 » oktabr

№ 535

Toshkent sh.

### Метрополитенда йўловчилар ҳамда бошқа шахсларнинг бўлиши қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Метрополитенда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, йўловчилар ташишни бошқаришда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, метрополитен инфратузилмасини сақлаш ва ундан фойдаланиш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда метрополитен фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги Қонунига асосан метрополитенда йўловчилар ҳамда бошқа шахсларнинг бўлиши қоидалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Метрополитенда йўловчилар ҳамда бошқа шахсларнинг бўлиши қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин:

йўловчиларнинг, метрополитен ходимларининг ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

метрополитендан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш талаблари;

метрополитен техник воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

метрополитенда фавқулодда вазиятлар юзага келганда, йўловчилар ва бошқа шахсларнинг ҳаракатланиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Маҳкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

## Метрополитенда йўловчилар ҳамда бошқа шахсларнинг бўлиши ҚОИДАЛАРИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар метрополитенда йўловчилар ҳамда бошқа шахсларнинг (метрополитен ходимлари, метрополитенда ўз хизмат вазифасини бажарувчи ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари ҳамда метрополитен раҳбариятининг рухсати билан ташриф буюрувчи шахслар) бўлиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, метрополитендан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**бекат платформаси** – бекатдаги поездларни кутиш жойи;

**йўл чиптаси** – метрополитендан фойдаланиш учун QR-кодли бир марталик йўл ҳақи тўлови амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**йўловчи** – метрополитендан фойдаланиш учун тўловни амалга оширган ёки имтиёзга ҳамда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахс (истеъмолчи);

**кўздан кечириш** – метрополитенда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ташиш ва фойдаланиш тақиқланган моддалар ва буюмларни аниқлаш учун мўлжалланган, махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

**метрополитен ходими** – метрополитенда фаолият олиб боровчи ва йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ходим (бекат навбатчиси, машинист ва бошқалар);

**назорат-ўтказиш пунктлари** – йўл ҳақи тўловини назорат қилиш пунктлари;

**транспорт картаси** – йўловчилар фойдаланадиган жамоат транспортида юрганлик учун йўл ҳақини тўлашга мўлжалланган, кўп марталик тўлов картаси;

**электрон тўлов тизими** – электрон иловалар орқали тўловларни амалга ошириш тизими;

**эскалатор** – узлуксиз ҳаракатланувчи зинапоялардан иборат бўлган юқорига кўтарувчи ва пастга туширувчи қурилма;

**юк** – ўз ўлчамлари ва вазнига кўра (учта ўлчови бўйича йиғиндиси 200 см дан ошмайдиган) ўрам тури ва хилидан қатъи назар, енгил кўтариб юриладиган, йўловчи вагонларида қийинчиликсиз жойлаштириладиган юклар ва буюмлар.

3. Метрополитенда йўловчининг бўлиши ва унинг юкини ташиш шартномаси тузилганлиги йўл чиптаси орқали ёки имтиёзга ҳамда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг тегишли ҳужжатини кўрсатиши билан тасдиқланади.

4. Метрополитенда йўловчиларнинг хавфсиз ва қулай ҳаракатланиши таъминланади.

## **2-боб. Метрополитендан фойдаланишда хавфсизлик талаблари**

5. Метрополитенда ҳаракатланиш давомида метрополитен ходимлари ва йўловчилар оғох, ҳушёр ва эътиборли бўлиши лозим.

6. Ўтиш йўллари, вестибюллар, бекат платформаси ва вагонларда шубҳали ва қолдирилган ашёлар (буюмлар) аниқланганда, метрополитеннинг навбатчи ходимларига ёки ички ишлар органлари ходимларига хабар берилиши лозим.

7. Қолдирилган ашёга (буюмга) бирон-бир механик таъсир кўрсатиш (бошқа жойга олиб ўтиш, очиш ва бошқалар), унинг атрофидаги ёруғликни, ҳароратни ва товушни ўзгартириш ҳамда ашё яқинида радиоэлектр ускуналарида, шунингдек, алоқа воситаларидан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

8. Йўловчилар ва бошқа шахслар ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабига асосан юкларини кўздан кечириш учун тақдим этади.

Бунда қидирувдаги шахслар деб гумон қилинган ёки кўздан кечириш жараёнида ўзини шубҳали тутаётган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда шахсий кўздан кечирилиши мумкин.

Йўловчилар ва бошқа шахслар ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабига асосан кўздан кечиришдан ўтишни рад этган тақдирда, метрополитенга киритилмайди.

9. Метрополитен инфратузилмаси объектлари ва хавфсизлик ҳудудларида қуйидагилар тақиқланади:

ёнувчан, портловчи моддалардан ва босим остида ишловчи қурилмалардан фойдаланишни талаб этадиган барча фаолият турлари билан шуғулланиш ва шу билан боғлиқ кўнгилочар шохобчаларни қуриш ҳамда ташкил этиш;

метрополитен иншоотларидан, шу жумладан, ер усти шамоллатиш қурилмаларидан 25 метрдан кам масофада чиқиндиларни тўплаш, ёқиш ва гулханлар ташкил этиш;

газ ёқилғисида ҳаракатланувчи транспорт воситалари (автоматик ёнғин ўчириш тизими билан жиҳозланган, эстакада иншоотлари остидаги махсус очиқ автотураргоҳлар бундан мустасно) ва ёнувчи материаллар ортилган транспорт воситаларини эстакада иншоотлари остига (автотураргоҳларга) жойлаштириш.

10. Метрополитенда қуйидагиларга рухсат этилмайди:

парапетлар, тўсиқлар устига чиқиш, шунингдек, улар устидан сакраб (ошиб) ўтиш;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини истеъмол қилиш ёки маст ҳолда кириш;

қиздириладиган тамаки, электрон сигареталар ва носвой чекиш;

метрополитен ҳудудида ва вагонларда очиқ олов, пиротехника воситаларидан (фейерверклар, петардалар ва бошқалар) фойдаланиш;

метрополитен ҳудудида оёқ кийимсиз ва кийимсиз ҳолда бўлиш;

бекатга йўловчиларнинг кийими, метрополитен вагонлари, иншоотлари ва қурилмаларини кир қилиши мумкин бўлган юклар ва буюмлар, шунингдек, велосипед (йиғиладигандан ташқари), мопед, скутер ва бошқа ҳаракатланиш воситалари (ушбу Қоидаларнинг 16-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган буюмлар бундан мустасно) билан кириш;

бекат ва ҳаракат таркиби вагонларида йўловчиларнинг кийимини кир қилиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш;

ёнувчан газлар билан тўлдирилган шарларни метрополитенга олиб кириш;

бекат, унинг ҳудудида ва бекатга туташган ер ости ўтиш йўлакларида мотоцикл ва скутерларда ҳаракатланиш, учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш;

бекат ҳудудида, вагонларда акробатик ва спорт машқларини бажариш, ҳар хил турдаги спорт тўпларини ўйнаш;

хизмат кўрсатиш (техник) хоналарида ва махсус объектларда видео ва фото суратга олиш;

йўловчиларга бекатдаги поезд йўлларига тушиш, технологик хоналар ва туннелларга кириш, вагонлар томига чиқиш ва юриш, вагонлар орасига ва поездларнинг бошқа қисмларига чиқиш, машинистлар кабиналарига кириш;

йўловчиларга метрополитен объектларига, девор (панжара) билан ўралган ва ишлаб чиқариш ҳудудларига рухсатсиз кириш;

вагонларнинг ўриндиқларига болаларни кир оёқ кийими билан қўйиш ва ҳажми катта юкларни жойлаштириш;

вагонларнинг ҳаракатланиш ва тўхташ вақтида эшикларини очиш, бекатларда уларнинг очилишига ёки ёпилишига ҳалақит бериш, вагонларнинг деразаларидан тана аъзоларини чиқариш, буюмлар ва чиқиндиларни ташлаш;

метрополитен инфратузилмаси объектларига ва поездларга зарар етказиш;

метрополитен инфратузилмаси объектларида ҳамда ҳаракат таркибининг ташқи (ички) юзаларига ёзувлар, расмлар, ахборот ҳамда реклама материалларини метрополитен раҳбарияти билан келишмаган ҳолда жойлаштириш;

бекат платформалари ва вагонларда савдо-сотикни амалга ошириш;

метрополитен фаолиятига тўсқинлик қиладиган хатти-ҳаракатларни содир этиш ёки уларни амалга ошириш учун тайёргарлик кўриш, шу жумладан, йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган ҳолатлар ёхуд ҳаракатлар тўғрисида била туриб ёлғон хабарларни тарқатиш;

санчилувчи, кесувчи ва осон синувчи буюмларни, чана, чанғи, конькилар ва балиқ ови учун қармоқларни ғилофсиз олиб юриш;

поезд бекатга келиб тўхтаган вақтдан ташқари вақтларда бекатдаги тақиқланган чегара чизигидан ўтиш;

эскалаторлар ишлашига тўсқинлик қиладиган ҳаракатларни амалга ошириш, уларга ўтириш ва юк қўйиш.

11. Метрополитенда қуйидагиларни ташиш тақиқланади:

тегишли рухсатномасиз барча турдаги ўқотар ва тигли қуроллар;

тегишли рухсатномасиз барча турдаги заҳарли ва заҳарловчи моддалар;

тез ёнувчан ва портловчи моддалар;

сиқилган ва суюлтирилган газлар;

герметик идишларсиз ва ўрамларсиз ташиладиган ўювчи, бадбўй ва емирувчи моддалар.

12. Метрополитенда қуйидагиларга фақат метрополитен раҳбариятининг ёзма розилиги билан рухсат берилади:

бекат ҳудудида профессионал фото ва видеотасвирга олиш;

вагонларда ва метрополитен инфратузилмаси объектларида мусиқа асбоблари ва овозни кучайтирувчи қурилмалардан фойдаланиш (эшитиш аппаратлари ва қулоқчинлардан фойдаланиш бундан мустасно);

бекатларда шоу-томошалар ўтказиш, шунингдек, театр, эртак қаҳрамонлари кийимларида ва томоша ниқобларида кириш;

маданий, спорт, кўнгилочар, сиёсий ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

### **3-боб. Метрополитенда фавқулодда вазиятлар юзага келганда, йўловчилар ва бошқа шахсларнинг ҳаракатланиш тартиби**

13. Йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирадиган фавқулодда вазиятлар юз берганда, улар бекатдан ташқарига ёки поездда қўшни бекатга эвакуация қилинадилар, шунингдек, метрополитен ходимларининг кўрсатмалари бўйича ҳаракатланадилар.

14. Поезд ёки бошқа техник қурилмаларда носозлик юз берганда, вазиятдан келиб чиққан ҳолда йўловчилар поездларда бир йўлдан икки томонлама ҳаракатланиш йўли билан бекатларга етказилади.

Агар поездларда ташиш имкони бўлмаганда, йўловчилар мазкур бекат ташқарисига эвакуация қилиниб, транспорт ташкилотларининг автобуслари ёрдамида метрополитен йўналишида параллель равишда бекатларга етказилади.

15. Бекатлар ёки ер усти йўллари оралиғидаги ҳаракат хавфсизлигига таъсир этувчи техник воситаларда носозликлар юз берганда, метрополитен ходимлари томонидан йўловчиларни тоннель ва эстакада орқали хавфсиз эвакуация қилиш чоралари кўрилади.

#### **4-боб. Йўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

16. Йўловчилар метрополитендан фойдаланишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзлари билан биргаликда етти ёшгача бўлган болаларини, болалар ва ногиронлиги бўлган шахслар аравачаларини, болалар велосипедларини, мусиқа асбобларини, шунингдек, ғилофга солинган ҳолда санчилувчи, кесувчи ва осон синувчи буюмлар, чана, чанғи ва балиқ ови учун қармоқларни бепул олиб юриш;

ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахслар томонидан метрополитеннинг техник воситаларидан (лифтлар, ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини кўтарувчи/тушурувчи мосламалар ва бошқа жиҳозлар) фойдаланиш, заруратга кўра тегишли ходимлардан ёрдам олиш;

бекатларни ҳаваскорлик фото ва видеотасвирга олиш (ушбу Қоидаларнинг 10-банди ўн иккинчи хатбошисида кўрсатилган жойлар бундан мустасно);

бекатларда жойлашган тиббий пунктлар ёрдамидан фойдаланиш;

телефон ва алоқа воситаларидан фойдаланиш;

ўлчамларига кўра учта ўлчови йиғиндиси бўйича 200 сантиметр: эни – 60 сантиметр, узунлиги – 70 сантиметр, баландлиги – 70 сантиметр бўлган юкларни бепул олиб юриш;

заруратга кўра метрополитен ходимларининг рухсати билан ҳаракати тўхтаган эскалатордан фойдаланиш.

Йўловчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Йўловчилар метрополитендан фойдаланишда:

жамоат тартиби, санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига, хизмат вазифасини бажараётган метрополитен ва ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларига ҳамда ушбу Қоидаларга риоя қилиши;

қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Қоидаларга мувофиқ йўлқира ҳақини ҳамда юк учун тўловларни амалга ошириши, кириш жойида ўрнатилган автоматлаштирилган назорат пунктлари орқали ўтиши;

ўтиш пунктларига яқинлашганда йўл чиптасини, транспорт картасини (тўлов электрон тўлов тизими орқали тўланганда – электрон қурилмани) олдиндан тайёрлаши, имтиёзли ёки бепул юриш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг аслини тақдим этиши;

автоматлаштирилган назорат пунктларидан ўтаётганда, йўл чиптасини, транспорт картасини (тўлов электрон тўлов тизими орқали тўланганда – электрон курилмани) махсус курилмага яқинлаштириши, рухсат берувчи ишора (автоматлаштирилган назорат пунктининг олд панелидаги яшил кўрсаткич) пайдо бўлишини кутиши ва ўтиши;

автоматлаштирилган назорат пунктларидан ўтаётганда, халақит берувчи ва вагонларда ҳаракатланиш вақтида бошқа йўловчиларга ноқулайлик келтирувчи елкадаги катта ҳажмдаги юкларни (сумка, рюкзак ва бошқалар) тушириши;

узунлиги 150 см дан 220 см гача бўлган юкларнинг ҳар бири учун тўловни амалга ошириши, бунда йўловчининг ўлчамлари белгиланган катталиқдан ортиқ бўлган юки учун йўл ҳақи йўловчининг йўл ҳақи қиймати каби тартибда белгиланади;

ҳаракатланаётган эскалаторларнинг тепа ва пастки тарафига тушиб қолишнинг олдини олиш учун узун кийимлар этакларини кўтариб олиши;

эскалаторда ҳаракат йўналиши бўйича ўнг томонда туриши, тутқични ушлаб туриши, турғун қисмларга суянмаслиги, зинапояларда белгиланган чегара чизиқларини босмаслиги ва эскалатордан тушаётганда тўхтаб қолмаслиги;

эскалатор зинапояларида ўтирмаслиги, тутқичларга суянмаслиги ва уларга юкларни қўймаслиги ҳамда эскалатор зинапояларида югурмаслиги;

эскалаторда ёш болаларни қўлидан ушлаб туриши ёки кўтариб олиши, уларнинг эскалаторнинг турғун қисмларига суянишига йўл қўймаслиги, эскалаторда болалар аравачаси билан пастга тушаётганда ва кўтарилаётганда болани қўлга кўтариб олиши;

поезд йўлига тушириб юборилган буюмлар, тутун ёки ёнғин пайдо бўлганлиги, шунингдек, йўловчилар ёки поездлар ҳаракати хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар тўғрисида метрополитен ҳамда ички ишлар органлари ходимларига дарҳол хабар бериши;

бекат платформасида поезд тўлиқ тўхтагунига қадар чегара чизиғидан ўтмасдан, узунлиги бўйлаб бир текис жойлашиши;

ёш болаларни қаровсиз қолдирмаслиги, бекатларга кириш ва чиқиш эшикларидан ўтишда тўхтаб қолмаслиги, эътиборли бўлиши ва ортидан келувчи йўловчиларга халақит қилмаслиги;

вагон эшикларига суянмаслиги, йўловчиларнинг кириш ва чиқишига халақит бермаслиги, манзилга яқинлашганда чиқишга олдиндан тайёргарлик кўриши ҳамда охириги бекатда вагонларни тарк этиши;

метрополитен ҳамда ички ишлар органлари ходимлари хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги ва уларнинг қонуний талабларини бажариши;

фавқулодда вазият ёки ёнғин содир бўлган вазиятларда зудлик билан 101 ёки 1050 телефон рақамларига хабар бериши шарт.

Йўловчиларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **5-боб. Метрополитен ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

18. Метрополитен ходимлари қуйидаги ҳуқуқларига эга:

метрополитенда бепул юриш ҳуқуқини берувчи барча ҳужжатларни текшириш;

заруратга кўра йўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

йўловчилардан ёш болаларни қаровсиз қолдирмаслик ва уларнинг қўлидан ушлаб олишни сўраш;

йўловчилардан метрополитен жиҳозларига зарар етказмасликни талаб қилиш;

метрополитендан фойдаланишда йўловчиларга уларнинг борадиган манзиллари бўйича тушунтиришлар бериш;

йўловчиларни платформадаги огоҳлантирувчи чегара чизигидан ўтмаслигини талаб қилиш;

хизмат вазифаларини ўтаётган вақтида метрополитендан бепул фойдаланиш.

Метрополитен ходимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Метрополитен ходимлари:

метрополитен поездларини кутиб олиши ва жўнатишни таъминлаши, йўловчиларнинг поездга хавфсиз чиқиши ҳамда тушишини назорат қилиши;

поездлар ҳаракати жадвалига риоя қилинишини ва йўловчиларнинг хавфсизлигини, уларга зарур барча қулайликларни яратиши ва хизмат кўрсатиш маданиятини таъминлаши;

хизмат вақтида жорий қилинган формали кийим-бошда бўлиши, меҳнат муҳофазаси, ёнғин хавфсизлиги ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши;

йўловчиларга бекатлар ва поездларда эҳтиёткор ва эътиборли бўлиш тўғрисида хабар бериши ҳамда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

йўловчилар томонидан эскалатордан фойдаланиш талабини ҳамда охириги бекатда вагонларни тарқ этишини назорат қилиши;

ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахсларга кўмаклашиши;

вагонлар озодалиги, совитиш ва ёритиш тизимлари ишлашининг сифатли ташкил этилишини таъминлаши;



йўловчиларни ташишда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши, санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиши;

метрополитенда бепул юриш ҳуқуқини берувчи барча ҳужжатларни текшириши;

назорат-ўтказиш пунктидан ҳақиқий бўлмаган, яроқсиз ҳолатга келган ёки бепул фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган ҳужжатлар ёрдамида ўтишга ҳаракат қилаётган барча йўловчиларни тўхтатиши;

қалбаки белгиларга эга бўлган, шунингдек, транспортдан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини берувчи муддати ўтган ҳужжатларни олиб қўйиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриши;

платформадаги огоҳлантирувчи чегара чизиғидан йўловчилар ўтмаслигини талаб қилиши;

метрополитенда фавқулодда вазиятлар юз берганда, йўловчиларни бекатдан ташқарига ёки поездда қўшни бекатга эвакуация ишларини ташкил этиши шарт.

Метрополитен ходимларига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

20. Мазкур Қоидалар талабларини қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

21. Ушбу Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

